# Toshkentning islom madaniyati taraqqiyotiga qo'shgan hissasidan so'zlovchi ko'hna madrasalar

## ТОШКЕНТНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИДАН СЎЗЛОВЧИ КЎҲНА МАДРАСАЛАР

*Тошкент қадимдан мамлакатимизнинг маданият марказларидан бири бўлган. 2007 йил январда Ислом конференцияси ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни "Ислом олами маданиятининг пойтахти", деб эълон қилгани ҳам бежиз эмас. Бу нафақат Тошкент, балки бутун ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳодир.*

### Мозийдан садо

Тошкент ўтмишда ўзининг зиё масканлари — мадрасалари билан ҳам машҳур бўлган. Бу ерда минтақага ислом дини кириб келган даврлардан бошлаб кўплаб мадрасалар барпо этилган. Муҳаммад Солиҳхожанинг "Тарихи жадидайи Тошканд" асарида қайд этишича, XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда 20 та мадраса фаолият кўрсатган.

Хожа Аҳрор мадрасаси Тошкент мадрасалари орасида энг қадимийси бўлиб, 1451 йилда қурилган. Мадраса Чорсу бозори бошида, Хожа Аҳрор масжидининг шимолида жойлашган бўлиб, пишиқ ғишт ва йўнилган тошлардан бино қилинган. Кўкалдош мадрасаси ва бозор дўконлари билан туташ бўлган. Мадраса йигирмата ҳужра, битта дарсхона ва масжидни ўз ичига олган.

Шаҳардаги яна бир қадимий мадрасалардан бири Кўкалдош мадрасаси бўлиб, Шайхонтоҳур даҳасида, Чорсу майдонидаги Шаҳристон тепалигида Хўжа Аҳрор Валий жоме масжидининг ёнида Бароқхоннинг ўғли Дарвишхон томонидан бунёд этилган. Кўкалдош мадрасаси дастлаб уч қаватли, ўттиз саккизта ҳужрали бўлган. Унинг кенг ҳовлиси ҳужралар ва очиқ айвонлар билан ўралган. 1868 ва 1886 йилларда шаҳарда содир бўлган зилзилалар натижасида мадрасанинг фақат бир қавати сақланиб қолган.

Мазкур кўҳна билим даргоҳида кўплаб олиму фузалолар сабоқ берган, таҳсил олганлар. XVI асрда Кўкалдош мадрасасида ўз замонасининг машҳур олимларидан Шамсиддин Муҳаммад Куртий, Хожа Юсуф Кошғарий дарс берган. Ўзбек мумтоз шеъриятининг вакили — шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимий Тошкентга келган вақтида шу мадрасада истиқомат қилган. 1889 — 1891 йиллар мобайнида машҳур шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳам ушбу мадрасада истиқомат қилиб, таълим олган ва ижод билан шуғуллангани тарихдан маълум.

Мазкур мадраса фаолият бошлаганидан буён "Кўкалдош мадраса масжиди" деб номланган. 1999 йилдан эса "Кўкалдош Тошкент ислом ўрта махсус билим юрти" деб номланди. Билим юртида Қуръон, ҳадис, сарф, наҳв, мутолаа каби диний илмлар билан бир қаторда ўзбек тили ва адабиёти, табиат, жуғрофия, инглиз тили, физика, математика, астрономия, информатика ва бошқа дунёвий фанлар ҳам ўқитилади.

Тошкентнинг қадимий обидаларидан яна бири — Бароқхон мадрасаси. У Ҳазрати Имом мажмуасидаги меъморий ёдгорлик бўлиб, Тошкентнинг энг гўзал обидаларидан бири ҳисобланади. Мазкур мажмуа XV-XVI асрларда бир неча босқичда қурилган иморатлардан таркиб топган. Дастлаб бинонинг шарқий бурчагидаги мўъжаз мақбара, 1531 йилда эса ҳовли тўридаги пештоқли хонақоҳда шайбонийлар сулоласининг Тошкентдаги ҳокими Суюнчхўжахон мақбараси қурилган.

XVI аср ўрталарида Мирзо Улуғбек сулоласининг вакили, Тошкент шаҳрининг ҳукмдори Наврўз Аҳмадхоннинг буйруғи билан илгари қурилган иккала мақбарани ҳам ўз ичига олган мадраса барпо этилган. XIX аср манбаларида мадраса талабалари ва ўқитувчилари шахмат ўйнашга ишқибоз эканлиги қайд этилади. Тошкент ҳокими Қаноат Оталиқ 1859 йилда Бароқхон мадрасасининг вайрон бўлган ҳужралари ва ҳовлисини таъмирлатиб, янги вақф мулклари ажратади. 1868 йилги зилзиладан мадраса қаттиқ зарар кўриб, вайрон бўлган. У 1904-1905 йилларда тошкентлик уста Хожа Абул Қосим томонидан қайта таъмирланган.

2007 йилда Бароқхон мадрасаси таркибидаги мақбаралар устидаги гумбазлар қайта тикланди, мадраса безаклари бойитилиб, меъморий ўлчамларининг уйғунлигига эришилди. Бугунги кунда мадрасада хаттотлик ва миллий ҳунармандлик устахоналари жойлашган.



Абулқосимхон мадрасасини Бешёғоч даҳасида 1850 йилда Шайх Абулқосим эшон қурдирган бўлиб, Тошкентдаги энг йирик мадрасалардан бири ҳисобланади. Бинонинг энг эски қисми — хонақоҳи Мўйи Муборак Абулқосимнинг отаси Эшонтўрахон томонидан 1820 йилда бунёд этилган.

Мадраса дарвозасидан кираверишдаги чап ва ўнг томонда дарсхоналар, ҳовли ўртасида сардоба, тўрда эса Мўйи Муборак хонақоҳи, шаҳар ташқарисидан келиб ўқийдиган талабаларга мўлжалланган 60 дан ортиқ ҳужралари бўлган. Мазкур мадрасада Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Ғулом Зафарий ва Абдурауф Фитрат маълум вақт таҳсил олган. Абулқосимхон мадрасаси қайта таъмирлангач, бу ерда "Устоз — шогирд" йўналишидаги халқ ҳунармандлари устахонаси фаолияти йўлга қўйилган.

Мўйи Муборак мадрасаси дастлаб XV асрда Бароқхон мадрасасининг қаршисида қурилган. Хожа Аҳрор Валий то Самарқандга кетгунича бу ерда бир муддат талабаларга дарс ҳам берган. Кейинчалик мадраса бузилиб кетган. 1857 йилда Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад қушбеги амри билан Қаффол Шоший мақбараси жанубида пишиқ ғиштдан қайта қурилган. "Тарихи жадидайи Тошканд" асарида қайд этилишича, мадрасанинг алоҳида бир гумбази бўлиб, унда Пайғамбар алайҳиссаломнинг соч толалари — мўйи муборак сақланган.

2007 йилда Мўйи Муборак мадрасаси қайта таъмирланди ва машҳур Мусҳафи Усмон музей — кутубхонасига айлантирилди. Мазкур даргоҳ бугунги кунда нафақат ўймакор ёғоч эшиклари, янги ўрнатилган ҳаворанг гумбази, замонавий усталар қўлидан чиққан ганчкор безаклари билан, балки бу ерга қўйилган ноёб тарихий манба — машҳур Мусҳафи Усмон ҳамда турли тарихий қуръонлар музейи сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Юқорида қайд этилган, бугунги кунда тикланиб, таъмирланиб ёки қайта қурилиб, ўз тарихий номи билан фаолият юритаётган мадрасалар қаторида ўз даврида яхши маълум бўлган, бироқ бугунги кунгача етиб келмаган Юнусхон мадрасаси, Бекларбеги мадрасаси, Эшонқули додхоҳ мадрасаси, Қосимбой Қоратутий мадрасаси, Маҳмуд дастурхончи мадрасаси ҳам фаолият кўрсатган. Ушбу даргоҳлар олий таълим муассасаси сифатида суд-ҳуқуқ тизими учун кадрлар тайёрлаш, илм-фан, адабиёт намояндаларини етиштиришда катта аҳамият касб этган.

Бугунги кунда пойтахтимизда замонавий иншоотлар, осмонўпар бинолар қурилиши билан бир қаторда, унинг буюк ўтмишидан сўзлайдиган қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, миллий анъанавий услубдаги маҳобатли иншоотлар ҳам бунёд этилаётир.

Улардан бири — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази. 2017 йилда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. 2017 йилнинг 1 сентябрь куни давлатимиз раҳбари Ҳазрати Имом мажмуасида ташкил этилаётган Ислом маданияти маркази номини Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази деб ўзгартиришни таклиф этди. Ушбу таклифни ҳамма бирдек мамнуният билан қабул қилди. Марказ учун 9,1 гектар майдон ажратилган бўлиб, бино миллий анъанавий услубда бунёд этилмоқда. Марказ, аввало, меъморий ва бинокорлик нуқтаи назаридан ниҳоятда улуғвор, муҳташам ва ноёб бўлишига ишончимиз комил.

Қисқача айтганда, бундай юксак бунёдкорлик ишлари ўтмиши буюк Тошкентнинг ислом оламидаги мавқеини янада ошириб, кўҳна ва замонавий шаҳарнинг туристик салоҳиятини янада юксалтириши, шубҳасиз.

**Доно ЗИЯЕВА,**
**ЎзРФА Тарих институти бўлим мудири, тарих фанлари доктори, профессор.**